



## ЎЗБЕКИСТОНДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЎЗ МАБЛАГЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА БОШҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ортиқов Уйғун Дағлатович,

"Банк ҳисоби ва аудит" кафедраси доценти, и.ф.н., Тошкент молия институту  
Email: [ortiqovuygun75@gmail.com](mailto:ortiqovuygun75@gmail.com), <https://orcid.org/0009-0000-1580-9687>

## SPECIFIC FEATURES OF FORMATION AND MANAGEMENT OF OWN FUNDS OF COMMERCIAL BANKS IN UZBEKISTAN

*Ortikov Uygun Davlatovich,*

*PhD., Associate Professor of Department of*

*Bank accounting and audit, Tashkent Institute of Finance*

*Email: [ortiqovuygun75@gmail.com](mailto:ortiqovuygun75@gmail.com), <https://orcid.org/0009-0000-1580-9687>*

### JEL Classification: E5, E58

**Аннотация.** Мазкур мақолада тиҷорат банкларида ўз маблағларини шакллантириши ва бошқаришининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Тадқиқот материал ва методларига кўра мавзу юзасидан бир қатор хорижий ҳамда мамлакатимизнинг иқтисодчи-олимлари томонидан тиҷорат банкларини ўз маблағларини шакллантиришга оид илмий тадқиқотлари ўрганилган, шарҳланган. Ўзбекистонда тиҷорат банклари ўз маблағларини шакллантиришиши ва бошқарилишининг амалдаги ҳолати таҳтил қилинган. Тадқиқот ва таҳтиллар натижасаларидан келиб чиқиб хулоса берилган. Тиҷорат банкларининг ўз маблағларини шакллантириши ва бошқаришини тақомиллаштириши юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишилаб чиқилган.

**Abstract.** This article examines the specific features of the formation and management of own funds in commercial banks. According to the research materials and methods, a number of foreign and domestic economists-scientists have studied and commented on the scientific research of commercial banks on the formation of their own funds. The current state of formation and

management of commercial banks' own funds in Uzbekistan is analyzed. A conclusion is given based on the results of research and analysis. Proposals and recommendations on the improvement of the formation and management of commercial banks' own funds have been developed.

**Калим сўзлар:** тиҷорат банклари ўз маблағлари, молиявий ресурслар, тиҷорат банклари пассив операциялари, депозит, банк капитали, тўловга қобиллик, қимматли қоғозларнинг номинал баҳоси, активлар ликвидлилиги, жалб қилинган маблаг.

**Keywords:** capital of commercial banks, financial resources, passive operations of commercial banks, deposit, bank capital, solvency, nominal value of securities, liquidity of assets, leveraged funds.

**Кириш.** Банкларда молиявий ресурсларни шакллантириш ва бошқаришда доимо уларнинг даромадлилиги ва ликвидлилиги деган бозор унсури фаолият кўрсатади. Тиҷорат банклари молиявий ресурсларни шакллантириш ва уларни даромадлигини таъминлаш билан бир

қаторда банклар диквидлилигини йўқотмаган ҳолда – ўз мижозлари ва контрагентлари олдидаги мажбуриятларини бажариши зарурдир.

Ўзбекистонда тижорат банкларининг ўз маблағларни бошқариши бўйича айрим муаммолар мавжуд уларни бартараф этиш юзасидан илмий тадқиқотларни амалга ошириш мухимдир.

Хусусан, Республикаизда пандемия сабабли банклардаги муаммоли кредитларнинг (NPL) жами кредитлардаги улуши 5-6 фоизгача кескин кўтарилиди. Пандемия билан бир қаторда давлат дастурлари асосида кредитлаш ва банклар томонидан муаммоли кредитлар ҳисобини юритишнинг такомиллаштирилиши натижасида муаммоли кредитлар миқдори сезиларли ўсади. 2022 йил 1 июль ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг муаммоли кредитлар улуши (4,9 фоиз) Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари (5,9 фоиз) ҳамда Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари (5,2 фоиз) бўйича ўртача кўрсаткичдан пастроқ бўлди. Тармоқлар кесимида муаммоли кредитлар саноат ва қишлоқ хўжалигига сезиларли ошган.

Бугунги кунга қадар мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда, хусусан тижорат банклари фаолиятини янада ривожлантиришда қатор меъёрий-хукукий хужжатлар қабул қилинган. Булар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 11 ноябрдаги ПФ-5877-сон «Инфляцион таргетлаш режимига

босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сон “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-табирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4487-сон «Ўзбекистон Республикаси банк секторининг молиявий барқарорлигини оширишга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 23 мартағи ПҚ-3620-сон «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлариидир. Мазкур меъёрий-хукукий хужжатлар тижорат банклари фаолиятини тартибга солишда дастури амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, тижорат банклари ўз маблағлари хусусида гап юритилганда уларнинг балансини пассивида ҳисобга олинадиган молиявий ресурслари назарда тутилади. Одатда, тижорат банклари молиявий ресурслари иккита йирик манбадан ташкил топади, биринчиси ўз маблағлари (10-12%), иккинчиси эса жалб қилинган маблағлари (88-90%)дан иборат бўлади.

**Материал ва метод.** Халқаро банк амалиёти тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банкларининг капиталини самарали бошқаришни йўлга қўймасдан ва унинг етарлилигини таъминламасдан туриб банкларнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш ва аҳолининг банк тизимиға бўлган ишончини сақлаб туриш мушкул вазифалардан бири хисобланади. Шу билан бирга, банк капиталининг иқтисодий моҳияти ва мазмуни юзасидан ҳам тегишли тадқиқот

ишлиарини амалга ошириш лозим. Чунки, унинг иқтисодий моҳиятига иқтисодчи олимлар ва мутахасисларнинг ягона қараашлари мавжуд эмас.

Банк капиталига берилган иқтисодий таърифларнинг қиёсий таҳлили натижасида маълум бўлдики, уларнинг барчасида банк капиталининг иқтисодий моҳиятини очиб берувчи у ёки бу жиҳатлари ифодаланган, холос. Таъкидлаш жоизки, олимларнинг банк капитали хусусидаги таърифлари маълум даврда шакллантирилган бўлиб, капиталнинг айрим йўналишдаги моҳиятини ёритишга хизмат қилади.

Масалан, профессор В.М.Усоскин банк капиталига банкнинг молиявий ресурсларининг муҳим ва ажralmas таркибий қисми сифатида қарайди [1].

Шу билан бирга, тижорат банки капитали Марказий банк томонидан, унинг фаолиятини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш ва тегишли операцияларнинг амалга оширилишини мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида хуносалар чиқариш учун, асосий иқтисодий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

Кейинги йилларда жаҳондаги кўпчилик банклар, шу жумладан, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларнинг банклари омонатчиларни кўпайтириш ҳамда банк фаолияти билан боғлиқ бўлган риск даражасини камайтириш мақсадида банкка қўшимча капитал жалб қилишга катта эътибор беришмоқда. Тижорат банкларининг капиталини кўпайтиришдан кутилаётган асосий мақсад сифатида, Марказий банк томонидан белгиланган капиталнинг етарлилик даражасини таъминлаш ва молиявий бозорга кириш имкониятини ошириш ҳамда миллий иқтисодиётда мавжуд бўлган инфляция даражасининг

таъсиридан ҳимояланишни эътироф этишимиз мумкин. Чунки, инфляция мавжуд бўлган шароитда банкларнинг активлари ва мажбуриятлари қийматининг доимий равишда ўсиб бориши банк капиталининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, иқтисодий ўсишнинг бир маромда юз бермаслиги банк даромадининг барқарорлигини таъминлаш рискини ошиб боришига олиб келади.

Иқтисодчи олим Р.Г.Олхова банк капиталининг иқтисодий моҳиятини очиб беришда «ҳимоя ёстиғи» деган иқтисодий тушунчани олдинга суради. Агар, тижорат банклари кутилмаганда иқтисодий жиҳатдан зарар кўрса, капитал «ҳимоя ёстиғи» сифатида кўрилаётган зарарнинг оқибатларини енгиллаштиради ва банкнинг иқтисодий жиҳатдан тўлов қобилиятини тиклаб олиш имкониятини яратади[2]. Ушбу таърифда банк капиталининг бир жиҳати, яъни ҳимоя вазифасига кенгрок ургу берилган. Ваҳоланки, капитал банк учун молиялаштиришнинг манбаси вазифасини ҳам бажариши мумкин.

Худди шунингдек, хорижлик иқтисодчи Крис Барлтропнинг банк капиталига «қимматли» манба[3] сифатида берган таърифини эътироф этган ҳолда, бу ерда ҳам капиталнинг моҳиятига бир томонлама аҳамият берилганлигини таъкидламоқчимиз. Ҳолбуки, банк капитали нафақат қимматли манба, балки қўшимча манба ва ҳимоя воситаси сифатида ҳам майдонга чиқиши мумкин.

Капиталнинг «қимматлилиги» шундан иборатки, банк ўз капиталини шакллантириш ва унинг миқдорини ошириб бориш мақсадида оддий акцияларни чиқариш, уларни молиявий

бозорларда жойлаштириш ва ушбу жараён билан боғлиқ бўлган бошка харажатларни амалга оширади. Ушбу жараён тижорат банки харажатларининг ошишига ва фойдасининг камайишига олиб келади. Агар, харажатлар эвазига молия бозорига сотиш учун таклиф этилган қимматли қофозлар ўзларининг эгасини топмаса, уларнинг баҳоси номинал қиймати миқдоридан ҳам тушиб кетишига, бу эса ўз ўзидан банк капитали миқдорининг ошишига эмас, балки банкнинг молиявий қийинчиликларга дучор бўлишига хизмат қилади.

Тижорат банклари ишига оид илмий изланишлари билан обрў қозонган таниқли иқтисодчи олим Жан Матук банк капиталига унинг тўловга қобиллигини таъминловчи бирламчи восита сифатида қарайди[4]. Албатта, банкда унинг фаолияти давомида тўловга лаёқатлилик (ликвидлилик) риски доимо сақланиб қолади, яъни бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари учун кутилмаган ҳар қандай ҳолатда етарли даражада ликвид маблағларисиз қолиш хавфи мавжуд. Ушбу хавф банк омонатчиларининг маблағини ўз вақтида беролмаганда, ишончли мижозларнинг вақтинчалик кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондира олмаганда вужудга келади. Агар, банк, омонатчиларнинг нақд пулга ва мижозларнинг вақтинчалик кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини ўз вақтида қондира олмаса, мижозларда бошка банкларга кетиб қолиш мойиллиги туғилади, бу эса, ўз навбатида, банк капиталини кўпайтиришнинг асосий манбаларидан бири бўлган фойданинг ошишига салбий таъсир кўрсатади.

Юқорида қайд этилган ҳолатнинг сурункали равища давом этиши банкнинг тўловга лаёқатсизлигини, охир оқибат мижозлар ва омонотчиларнинг ўз

ҳисоб рақамларидан ёппасига маблағларни олишига ва банкнинг банкротликка учрашиш ҳолатига олиб келишига сабаб бўлади. Шу нуқтаи назардан, иқтисодчи олим Жан Матукнинг банк капиталини банкнинг тўловга қобиллигини таъминловчи бирламчи омил, деган фикрига қисман қўшилган ҳолда, банк капиталининг тўловга қобиллигини таъминлаб туриш учун Марказий банк томонидан белгилаб қўйилган капиталнинг етарлилигига қўйилган талабларни доимо бажариб бориши зарур, деб ҳисоблаймиз.

**Натижалар.** Таъкидлаш жоизки, тижорат банклари жамиятдаги вақтинчалик пул маблағлари (молиявий ресурслар)ни жалб қилиш билан боғлиқ операциялари пассив операциялар дейилади, тижорат банклари пассив операциялари хусусида қўйидаги жиҳатларни таъкидлаш мақсадга мувофиқ:

- тижорат банклари пассив операциялари орқали депозит ва нодепозит маблағларни жалб қиласиди;
- банклар пассив операциялари натижасида уларнинг харажатлари вужудга келади, банкларнинг харажатлари фоизли ёки фоизсиз бўлиши мумкин;
- банклар пассив операциялари натижасида шакллантирган молиявий маблағлар уларга актив операцияларни бажариш имкониятини беради, банкларнинг молиявий ресурслари қанчалик узоқ муддатга ва арzon баҳоларда жалб қилиниши уларнинг ликвидлилигини таъминлашда ва фойдасини оширишда муҳим ўрин тутади;
- молиявий ресурслар муддати ва вужудга келиш манбасига қараб, барқарор (муддатли депозитлар ва

- бошқа узоқ муддатга жалб қилинган маблағлар), беқарор (талағ қилиб олингунча сақланадиган маблағлар) маблағларга бўлинади;
- банкларнинг жалб қилинган молиявий маблағларга тўланадиган харажатлар нуқтаи назардан, арzon ва

қиммат маблағларга ажратиш мумкин.

Тижорат банклари ўз маблағлари хусусида фикр юритганда, унинг таркибида аосий улушни эгаллайдиган банк капитали ва унинг аҳамияти тўғрисида алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқ.

### 1-жадвал

#### Ўзбекистон банк тизими ўз маблағлари таркиби ва динамикаси[5]

(1 январ ҳолатига, улуши фоизда)

Таркиби	2019й.	2020й.	2021й.	2022й.	2023й.
Устав капитали	73,6	82,1	76,5	77,2	75,2
Қўшимча капитал	0,3	0,3	0,7	1,0	1,3
Захира капитали	11,1	7,5	8,9	11,9	9,2
Тақсимланмаган фойда	14,9	10,1	13,8	9,9	14,3
<b>Жами капитал</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>

Келтирилган жадвал маълумотлари асосида хулоса қиладиган бўлсак, Ўзбекистон тижорат банклари ўз маблағлари таркибида устав капитали асосий улушни ташкил этмоқда. Хусусан, тадқиқ этилаётган 2019-2023 йиллар 1 январ ҳолатига ўртача 76,5 фоизни ташкил этган бўлиб, бу албатта бир жиҳатдан қараганда ижобий ҳолатга ўхшайди. Лекин, мамлакатимиз тижорат банклари капиталининг етарлилиги асосан муомалага қўшимча эмиссия қилинаётган акциялар ҳисобидан шаклланмоқда.

Муаммоли ҳолат сифатида таъкидлайдиган бўлсак, тижорат банклари ўз маблағлари таркибида эмиссион даромаднинг улуси жуда паст даражани ташкил этмоқда. Бунинг асосий сабаби шундаки, жуда кўп ҳолатларда тижорат банклари томонидан эмиссия қилинган қимматли қоғозларнинг бозор баҳоси номинал баҳосидан деярли паст баҳода сотилмоқда.

Бунинг қатор сабабалри мавжуд бўлиб, унинг асосий сабабаларидан бири


мамлакат банк тизимига маҳаллий ва хорижий инвесторлар ҳамда аҳолининг ишончини пастлиги бўлса, иккинчи жиҳатдан уларнинг капитали таркибида асосий улуш давлат ҳиссасига (84,5%) тўғри келади, бундан ташқари бошқа қатор объектив ва субъектив омиллар бу жараёнга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон тижорат банклари капитали абсолют суммада йилдан йилга ортиб бормоқда. Қўйидаги расмда Ўзбекистон банк тизимининг 2019-2023 йиллар 1 январ ҳолатига ўз маблағлари суммаси ва динамикаси хусусида маълумотлар келтирилган.

1-расм маълумотларига таяниб хулоса қиладиган бўлсак, таҳлил этилаётган давр мобайнида Ўзбекистон тижорат банклари ўз маблағлари 2019 йил 1 январдан 2023 йил 1 январга қадар 52,8 трлн сўмга ёки 2,98 мартаға отрган. Бироқ, ушбу ортишнинг асосий улуси тижорат банклари томонидан эмиссия қилинган акциялари ҳисобига тўғри келади. Тижорат банклари ўз маблағлари

таркибида кейинги асосий манба тақсимланмаган фойда бўлиб, ушбу манба

2023 йил 1 январда 10,0 трлн сўмдан ортиқроқ сумани ташкил этган.



**1-расм. Ўзбекистон банк тизими ўз маблағлари таркиби ва динамикаси [5] (млрд сўм хисобида)**

Ўзбекистон тижорат банклари Марказий банк томонидан капиталнинг етарлигига қўйилган талабларни тегишли меъёр ва ундан юқори даражада бажариб келмоқда. Тижорат банклари капитали ва унинг манбаълари хусусида гап кетганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз тижорат банклари капиталининг асосий улуши давлат ҳиссасига тўғри келиб, бу даражани камайтириш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли фармонида “банк тизими активларининг умумий ҳажмида давлат улуши бўлмаган банклар активлари улушини жорий 15 фоиздан 2025 йилга

келиб 60 фоизгача ошириш” масласи белгилаб қўйилган. Бу, албатта, ўз-ўзидан тижорат банкларининг капитали ҳажмини оширишини талаб этади. Қуйидаги жадвалда тижорат банкларининг капитали ҳажми бўйича гурӯхланиши хақида маълумотлар келтирилган.

2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, Ўзбекистонда 2022 йил 1 январ ҳолатига фаолият юритган 33 та банкнинг 8 тасини устав капитали суммаси 2,0 трлн ва ундан юқори сумни ташкил этиб, ушбу банкларининг улуши барча банкларнинг 76,0 фоизини ташкил этган. Устав капитали 100 млрд сўмдан кам суммани ташкил этган тижорат банклари 2022 йил 1 январ ҳолатига 2 тани ташкил этган бўлса, уларнинг сони 2023 йил 1 январ ҳолатига биттага камайган. Шунингдек, устав капитали 2,0 трлн. сўм ва ундан

юқори суммани ташкил этадиган банклар 2023 йил 1 январ ҳолатига 11 тадан, яъни ўтган йилги банклар сонидан

учтага ортиб, жами банкларнинг 82,1 фоизини ташкил этганлигини кўриш мумкин.

**2-жадвал**

**Ўзбекистон тижорат банкларининг капитал ҳажми бўйича гурухланиши [5]**

Кўрсаткичлар номи	шундан:											
	100 млрд. сўмгача		100 млрд. сўмдан 300 млрд. сўмгача		300 млрд. сўмдан 500 млрд. сўмгача		500 млрд. сўмдан 1 трлн. сўмгача		1 трлн. сўмдан 2 трлн. сўмгача		2 трлн. сўм ва ундан юқори	
	БС	УФ	БС	УФ	БС	УФ	БС	УФ	БС	УФ	БС	УФ
<b>01.01.2022 й.</b>												
Жами капитал	2	0,1	8	1,8	5	2,6	2	2,1	8	17,3	8	76,0
шундан, устав капитали	2	0,2	11	2,8	7	4,7	3	4,4	3	8,2	7	79,7
<b>01.01.2023 й.</b>												
Жами капитал	1	0,1	5	1,1	4	1,9	5	4,5	5	10,4	11	82,1
шундан, устав капитали	1	0,1	7	1,5	7	4,1	5	5,7	4	9,4	7	79,2

*Изоҳ: БС-банклар сони, УФ-улуши фоизда.*

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз тижорат банклари сони капитал ҳажми жиҳатидан ортиб бориши ижобий ҳолат бўлиб, бу уларнинг хизматлари сони ва сифатини ошишига хизмат қиласди. Бу, ўз навбатида уларни тегишли фонд биржаларида акцияларини сотишни ташкил этилишини талаб этади. Қуйидаги жадвалда “Тошкент” республика фонд биржаси листингига кирган тижорат банклари хусусида маълумотлар келтирилган.

3-жадвал маълумотларидан “Тошкент” республика фонд биржаси листингига кирган банклар сони, уларнинг листинга аъзо бўлган санаси, акцияларнинг сўмдаги номинал баҳоси ва акциялари сони ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Шуни таъкидлаш жоизки,

ушбу тижорат банкларининг листинга аъзо бўлиши уларнинг акцияларини очиқ сотиш ва капитали ҳажмини оширишга имконият беради.

“Тошкент” республика валюта биржасига 2023 йил июл ойида Марказий банқдан лицензия олганига уччлик узоқ вақт бўлмаган тижорат банклари - “Хают Bank”, “Yangi Bank”, “Smart Bank” ва “Apex Bank” Республика фонд биржасига аъзо бўлди. Аъзолик ушбу янги банкларга биржа операцияларида иштирок этиш ва молия бозорида ўз имкониятларини кенгайтириш ҳуқуқини беради. Ушбу банклар ичida фақат “Smart Bank” - “C” тоифаси бўйича, қолган банклар эса барча “A”, “B” ва “C” тоифалари бўйича валюта биржасига аъзо бўлган. Бу тоифалар нимани англатади?

**“Тошкент” РФБ да листингдан ўтган тијорат банклари акциялари таҳлили [6]**


№	Листинг категорияси	Банк номи	Листингга киргансана	Номинал қиймати	Листингдаги акциялар сони
1	A	Хамкорбанк АТБ	06.02.2007	5	20 881 541 000
2	A	Трастбанк ХАБ	26.11.2007	1 000	225 227 000
3	A	АТБ ИнФинБанк	27.05.2014	1 000	420 000 000
4	B	Ўзсаноатқурилишбанк АТБ	03.09.2003	19	243 551 784 442
5	B	АИТБ Ипак Йўли	22.02.2007	10	40 461 840 000
6	B	Капиталбанк АТБ	04.04.2007	950	163 928 486
7	B	Туркистон ХАТБ	02.04.2008	1 000	129 791 342
8	B	Равнақ-банк ХАТБ	26.06.2014	1 000	100 000 000
9	B	Азия алянс банк АТБ	12.12.2014	250	669 926 405
10	B	Давр-банк ХАТБ	29.11.2018	5 000	34 000 000
11	B	Ўзагроэкспортбанк АТБ	10.09.2019	1	70 937 580 620
12	C	Агробанк АТБ	06.09.2003	1 168	3 760 644 287
13	C	Ипотека-банк АТИБ	14.11.2003	1	2 809 392 130 434
14	C	АТБ Қишлоқ қурилиш банк	05.12.2003	120	15 548 065 844
15	C	АТ Алоқабанк	15.05.2007	121	7 862 863 805
16	C	Туронбанк АТБ	25.10.2007	1 700	515 389 380
17	C	Микрокредитбанк АТБ	12.02.2008	1 068	1 677 513 370
18	C	АТБ Универсал банк	03.06.2008	5 000	30 000 000
19	C	Асакабанк	17.06.2011	140	40 882 184 841
20	C	АТ Савдогарбанк	23.12.2014	100	1 297 000 000
21	C	Мадад Инвест Банк АТБ	15.12.2017	5 000	20 000 000
22	C	Хай-тек банк ХАТБ	06.08.2019	1 565	64 938 506

“А” тоифаси аъзоларга чет эл валютаси бозорида операцияларни, шу жумладан, валютавий фючерс шартномалари билан операцияларни амалга ошириш ва савдоларда қатнашиш хукуқини беради.

“Б” тоифаси эса давлат қимматли қоғозлари биржа бозоридаги савдоларда қатнашиш ва операцияларни амалга ошириш хукуқини беради.

“С” тоифаси бўйича аъзолик банклараро пул бозори ҳамда Марказий банкнинг банклар билан кредит ва депозит аукционларида операцияларни амалга ошириш ва савдоларда қатнашиш хукуқини беради.

Таҳлиллар ва ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимиз тијорат банклари акцияларини сотишда кўпчилик ҳолларда уларнинг баҳоси номинал қийматдан кам нархларда ҳам сотилмоқда. Албатта, бунга қатор обьекти ва субъектив омилларнинг таъсири мавжуд. Хусусан, мамлакатда бозор тамойиллари ва механизмларининг терали даражад амал қилмаслиги, коррупция ва хуфёна иқтисодиёт даражасининг юқори даражад сақланиб қолаётганлиги кабилар шулар жумласидандир. Куйидаги расмда тијорат банклари акцияларининг номинал ва бозор баҳоси ҳақида маълумотлар келтирилган.



**2-расм. Айрим тижорат банклари акцияларининг номинал ва бозор қиймати ҳақида маълумот [7], (2023 йил 1 январ ҳолатига, сўм хисобида)**

2-расм маълумотлари асосида хулоса қиласидан бўлсак, мамлакатимиз тижорат банклари акцияларининг бозор қиймати унчалик юқори эмас. Хусусан, АТБ “Универсалбанк”, “Трастбанк” XAB ва “Капитлабанк” ATBning муомалага чиқарган акцияларининг бозор баҳоси номинал баҳосидан сезиларли равишда юқори бўлган, хусусан уларнинг баҳоси мос равишда, номинал баҳоси 5000,0 сўм, бозор баҳоси 8800,0 сўм, номинал баҳоси 1000,0 сўм, бозор баҳоси 9900,0 сўм ва номинал баҳоси 900,0 сўм, бозор баҳоси 3900,0 сўм атрофида бўлган.

Таҳлил этилаётган бошқа тижорат банкларида, Савдогарбанк ва Ҳамкорбанкдан ташқари, муомалага чиқарган акцияларининг бозор баҳоси номинал нархи билан тенг бўлган ёки ҳатто ундан ҳам паст баҳоларда сотилган.

Таҳлиллар ва ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, албатта бунинг қатор сабаллари мавжуд. Қуйидаги расм орқали мамлакатимиз тижорат банклари акцияларининг бозор баҳосининг пастлиги ва капитални жалб қилишга салбий таъсир қилаётган омилларни кўриб чиқамиз.



**3-расм. Тижорат банклари капитални жалб қилиш билан боғлиқ муаммолар<sup>1</sup>**

Тижорат банкларининг акцияларини сотиш орқали капитални жалб қилиш ва уларнинг акцияларининг бозор баҳосини шаклланишига таъсир кўрсатадиган объектив ва субъектив омиллар юқорида келтирилган расм маълумотларидан кўриниб туриди.

Бизнинг назаримизда, тижорат банклари акцияларини сотиш ва уларнинг баҳосини ошириш билан боғлиқ омилларга кўпроқ субъектив омилларнинг таъсири юқорироқ ҳисбланинди. Хусусан, буни тижорат банклари ўртасида рақобатнинг шаклланмаганлиги, капитал таркибида давлат улушининг юқориленігі, аҳоли ва мижозларнинг мамлакат банк тизимиға бўлган ишончнинг юқори даражада эмаслиги кабилар шулар жумласидандир.

Бунда алоҳида омилларга эътибор қаратадиган бўлсақ, энг жиддий таъсир кўрсатадиган омил шубҳасиз банклар фаолиятига давлат аралашувининг кескин юқориленидир. Бунга тижорат банклари

устав капиталидан давлат улушкининг мунтазам равишида ошириб келинаётганлиги сабаб бўлмоқда. Давлат дастурлари ижроси доирасида устав капиталига маблағларининг йўналтирилиши натижасида бугунги кунда аксарият банклар акциялар назорат пакетига Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва таракқиёт жамғармаси әгалик қилмоқда.

Ўзбекистон тижорат банклари ўз маблағларини шакллантиришда оддий ва имтиёзлаи акцияларни муомалага чиқаради. Марказий банк тижорат банклари эмиссия қилинган жами акцияларнинг таркибида имтиёзли акциялар улушкини 20 фоиздан ошмаслигини талаб этади. Марказий банк томонидан бундай талабнинг белгилаб қўйилишининг тегишли сабаблари мавжуд албатта, биринчидан имтиёзли акцияларнинг әгалари банкнинг директорлари кенгашида овоз бериш имкониятидан маҳрум қилинган бўлса,

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

иккинчидан улар банк фаолияти фойда ёки зарар билан якунланишига қарамасдан банк томонидан имтиёзли акциялар бўйича белгиланган даромадни олиш хукуқига эга бўлади.

**Хулоса.** Бизнинг назаримизда, Марказий банк тижорат банкларининг акцияларини эмиссия қилиш бўйича ўрнатган нисбатларининг асосий мақсади уларнинг фойда даражасини пасайишини олдини олиш ҳамда банклар ихтиёрида қолаётган фойда ҳисобидан капиталлашув даражасини ошириб боришга қилинган харакат дея баҳолаш мумкин. Тадқиқот натижалари юзасидан қуидаги хулосаларга келинди:

– тижорат банкларида устав капитали асосан имтиёзли акциялар ҳисобига шаклланмоқда;

– банклар пассив операциялари натижасида шакллантирган молиявий маблағлар уларга актив операцияларни бажариш имкониятини беради, банкларнинг молиявий ресурслари қанчалик узоқ муддатга ва арzon баҳоларда жалб қилиниши уларнинг ликвидилигини таъминлашда ва фойдасини оширишда муҳим ўрин тутади;

– тижорат банкларининг капиталини самарали бошқаришни йўлга кўймасдан ва унинг етарлилигини таъминламасдан туриб банкларнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини сақлаб туриш мушкул вазифалардан бири ҳисобланади;

– мамлакатимиз тижорат банклари капиталининг етарлилиги асосан муомалага қўшимча эмиссия

қилинаётган акциялар ҳисобидан шаклланмоқда, ўз маблағлари таркибида эмиссион даромаднинг улуши жуда пастлигича қолмоқда;

– мамлакатимиз тижорат банклари акцияларини сотища кўпчилик ҳолларда уларнинг баҳоси номинал қийматдан кам нархларда хам сотилмоқда, бунинг қатор объектив ва субъектив сабаблари мавжуддир. Хусусан, мамлакатда бозор тамойиллари ва механизmlарининг терали даражад амал қилмаслиги, коррупция ва хуфёна иқтисодиёт даражасининг юқори даражад сақланиб қолаётганлиги кабилар шулар жумласидандир;

– мамлакатимиз тижорат банклари ўз маблағларининг етарлилиги Марказий банк талабларига тўлиқ жавоб берсада уларнинг манбаларини шакллантириш ҳамда бошқариш борасида қатор долзарб масалалар сақланиб қолмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимиз тижорат банклари ўз маблағларининг етарлилиги Марказий банк талабларига тўлиқ жавоб берсада уларнинг манбаъларини шакллантириш ҳамда бошқариш борасида қатор долзарб масалалар сақланиб қолмоқда. Бизнинг назаримизда, Ўзбекистонда тижорат банклари фаолиятини, балки нафақат тижорат банкларини балки барча фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини бозор тамойиллари ва механизmlари асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: Управление и операции. – М.: «Вазар- Ферро», 1994. С. 92.;
2. Банковское дело. Под ред. проф. О.И. Лаврушина. – М.: «ФиС», 2001. С. 74.;
3. Крис Дж. Барлтроп и Диана МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся рынках. Материалы ИЭР. Том II. Всемерный банк. Вашингтон, Д.С., С. 102.;
4. Жан Матук. Финансовые системы Франции и других стран. Том I. Пер. с анг. – М.: «Финстатинформ», 1994. С. 25.;



5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Молиявий барқарорлик шархи 2022 йил I ярим йиллик.
6. [https://uzse.uz/isu\\_infos?page=2](https://uzse.uz/isu_infos?page=2) 13.04.2020 ҳолатига “Тошкент” РФБ расмий веб-сайти маълумотлари;
7. Омонов С. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси автореферати. Тошкент, 2023.ТМИ.б 15.
8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки статистик бюллютени маълумотлари;
9. <https://cbu.uz/oz/>